

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ГУЛАМОВ САРДОР БОХОДИРОВИЧ

**БОҒЛАРДА ПАСТ БОСИМЛИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) and technical
sciences**

Гуламов Сардор Боходирович

**Боғларда паст босимли томчилатиб суғориш технологиясини
такомиллаштириш (Тошкент вилояти мисолида)..... 3**

Гуламов Сардор Боходирович

**Совершенствование технологий низконапорной капельной орошения
садах (в Ташкентской области)..... 23**

Gulamov Sardor Bohodirovich

**Improvement of low pressure drip irrigation technology in gardens (in
Tashkent region)..... 41**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

**Список опубликованных работ
List of published works..... 45**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ГУЛАМОВ САРДОР БОХОДИРОВИЧ

**БОҒЛАРДА ПАСТ БОСИМЛИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/T1036 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шеров Анвар Гуламович,
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Рахимов Шавкат Хударенович,
техника фанлари доктори, профессор

Бегматов Илхом Адураимович,
техника фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «___» _____ 2020 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-19-61 (99871) 237-22-09; Факс: (99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____) рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-19-45

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Султонов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.А.Янгиев,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

М.Х.Хамидов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, к/х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши натижасида сув ресурслари тақчиллиги йилдан йилга ошиб бормоқда. Суғориладиган ерларда экинларни етиштиришда сув тежамкор технологиялардан фойдаланиш ва уларни ҳисоблаш усуллари тақомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, сувдан тежамли фойдаланиш ва экинлардан юқори ҳосил олишни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада дунёнинг ривожланган мамлакатларида, жумладан Исроил, АҚШ, Франция, Хитой, Туркия, Россия, Ҳиндистон ва бошқа давлатларда томчилатиб суғориш тизимининг техника ва технологиясини яратиш, конструкцияларини соддалаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда сув ресурслари тақчиллиги экинларнинг ҳосилдорлиги ва унинг сифатига ўз таъсирини сезиларли даражада кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида интенсив усулларни, энг аввало, сув танқислигини юмшатишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, жумладан сув ресурсларини тежайдиган, ишлатишга қулай бўлган инновацион технологияларни қўллаш ҳамда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш борасида ерларнинг унумдорлигини ва экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувдан тежамли фойдаланиш мақсадида томчилатиб, эгатга плёнка тўшаб ва ўқариклар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш технологиялари кенг жорий этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш...»¹ муаммолари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан республикамизда боғларни маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш асосида суғориш сувларини тежаш ва ерларнинг унумдорлигини ошириш ва боғлардан юқори ҳосил олиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017-2021йил) Фармони, 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон «2018-2019 йиллар даврида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

«Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун кулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 февралдаги 74-сон «2018 йилда экин майдонларини кафолатли сув билан таъминлаш ва сув танқислигини салбий оқибатларини олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизнинг суғорма деҳқончилигида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш усуллари, тартиблари, суғориш техника ва технологияларининг тупроқнинг сув-физик хоссаларига, ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсирини ўрганишлар С.Ф.Аверьянов, Н.Д.Кременецкий, С.Н.Рыжов, М.П.Меднис, С.А.Гильдиев, Б.А.Шумаков, И.А.Шаров, Г.К.Льгов, Н.Н.Иванов, Н.В.Данильченко, М.С.Григорьев, В.П.Попова, А.С.Овчинников, Н.Ф.Беспалов, Ф.М.Рахимбаев, Н.Р.Ҳамраев, Қ.М.Мирзажанов, Н.Т.Лактаев, Ш.Н.Нурматов, А.Э.Авлиёқулов, Б.С.Серикбаев, О.Р.Рамазанов, Р.К.Икрамов, Ф.А.Бараев, М.Х.Хамидов, А.Т.Салоҳиддинов, Э.Ж.Маҳмудов, Ш.Рахимов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Томчилатиб суғориш тизимларини турли хил экинларни суғоришда қўллашда уларнинг афзалликлари бўйича S.Blass, H.Kibbutz, P.Richard, J.White, F.Karam, C.R.Camp, E.J.Sadler, W.J.Busscher (АҚШ), Chartzaulariz, N.Michelakis (Польша), Y.White, U.Or, Reinders (Исроил), М.Ромашенко, В.Сторчоус, М.Моисеев, В.Фидосеев, А.Овчинников, В.Бочарников (Россия), Л.Кирейчева, К.К.Мусабеков, П.Н.Есенгельдиева (Қозоғистон), Б.С.Комилов, Б.Маллаев, Ш.И.Иброхимов, Г.А.Безбородов, Б.Қамбаров, А.Новиков, О.Муродов, М.Саримсоқов, Е.Аразян (Ўзбекистон) ва бошқа қатор олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

Бугунги кунда юқоридаги олимлар томонидан олиб борилган изланишлар асосида маълум натижаларга эришилган, бироқ минтақамизда ўтлоқи бўз, тупроқлари шароитида мевали боғларда томчилатиб суғориш технологияси, унинг элементларини ишлаб чиқиш, кам харажат талаб қиладиган табиий оқим энергиясидан фойдаланиш ва илмий асослаш борасида илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация иши бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг

№-23/2005 х/ш “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ўқув-илмий марказида замонавий сув тежамкор тизимларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш” (2004-2006йй); №1-2/2014 “ТИМИ Ўқув-илмий маркази шароитида боғ экинлари учун паст босимли томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш”, (2014-2015йй); №1.18- “Замонавий сув тежамкор технологияларининг илмий асослари” (2018-2019йй) мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент вилоятининг ўтлоқи бўз, механик таркибига кўра ўрта кумоқ тупроқлари шароитида “Golden” навли олма боғларини маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида илмий асосланган суғориш тартибини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

боғларни суғоришда томизгичларни янги самарали конструктив параметрларини асослаш;

маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш тизимининг эксплуатацион ишончлигини аниқлаш;

“Golden” навли олма боғларини маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясидаги илмий асосланган суғориш тартибини ишлаб чиқиш;

маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясидаги “Golden” навли олма боғларини суғориш тартибларини уларнинг ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш;

маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясидаги “Golden” навли олма боғларини суғориш тартибларини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилоятининг ўтлоқи бўз, механик таркибига кўра ўрта кумоқ тупроқлари, маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологияси ва унинг конструктив параметрлари ҳамда “Golden” навли олма боғи олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясининг конструктив параметрлари, томчилатиб суғориш тизимининг эксплуатацион ишончилиги, “Golden” навли олма боғларини суғориш тартиблари ҳамда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида дала тажриба майдонини репрезентативлигини ҳисоблаш В.В.Шабанов ва Е.П.Рудаченко, ҳосилдорликни статистик таҳлил WinQSB-2,0 ҳамда Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг дисперсион таҳлил усули ҳамда SPSS (Statistical Package for Social Science) компьютер дастури ёрдамида математик статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясининг конструктив параметрлари ишлаб чиқилган;

“Golden” навли олма боғларини суғоришда маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш тизимининг эксплуатацион ишончилиги тизимнинг эксплуатацион сифатларини баҳолаш услуби асосида аниқланган;

“Golden” навли олма боғларини маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясидаги илмий асосланган суғориш тартиби биологик-климатик усул асосида ишлаб чиқилган;

маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясидаги “Golden” навли олма боғларини суғориш тартибларини уларнинг ҳосилдорлигига таъсири Б.А.Доспеховнинг дисперсион таҳлил усули асосида аниқланган;

маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясидаги “Golden” навли олма боғларини суғориш тартибларининг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятининг ўтлоқи бўз, механик таркибига кўра ўрта қумоқ тупроқлари шароитида “Golden” навли олма боғларида маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида мавсум давомида 11 марта 195-205 м³/га суғориш меъёрлари ва 2170 м³/га мавсумий суғориш меъёрлари билан суғорилганда унинг ҳосилдорлиги 19,8 т/га бўлиб, назоратдаги эгатлаб суғоришга нисбатан 45 фоизга сув ресурслари тежалиши ва 7,5 т/га олма ҳосили ошиши таъминланган.

Маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологияси Туркиянинг “Sunstrem” ва Исроилнинг “Квин-Гиль” томчилатиб суғориш технологияларига нисбатан 29-30 фоизга арзонлиги ва барча бутловчи қисмлари маҳаллий хом ашёлардан ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги: Тадқиқот натижаларининг ишончилиги лаборатория ва дала изланишлари умум қабул қилинган тадқиқот услубларида бажарилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, олинган маълумотлар вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, тажриба натижаларининг Республика ва халқаро миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтганлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент вилоятининг ўтлоқи-бўз, механик таркибига кўра ўрта қумоқ тупроқлари шароитида “Golden” навли олма боғларини маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясининг конструктив параметрлари, томчилатиб суғориш тизимининг эксплуатацион ишончилигини ва илмий асосланган суғориш тартиби ҳамда уларнинг олма дарахтининг ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти Тошкент вилоятининг ўтлоқи-бўз, механик таркибига кўра ўрта қумоқ тупроқлари шароитида ресурстежамкор маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш асосида сув ресурслари 45 фоизга тежалиши, олма дарахти

ҳосилдорлигининг 38 фоизга ошганлиги, меҳнат ресурслари, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари тежалганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Боғларда маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Golden” навли олма боғларини маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясидаги илмий асосланган суғориш тартиби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тассаруфидаги Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туманидаги ТИҚХММИ қошидаги “Ўқув илмий маркази”нинг боғларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 11 декабрдаги 02/022-341-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясининг конструктив параметрлари ишлаб чиқилган ва унинг хорижий давлатлар технологияларига нисбатан 29-30% арзон бўлиш имкони яратилган;

“Golden” навли олма боғларини суғоришда маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш тизимининг эксплуатацион ишончлилиги аниқланган ва Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туманида “Golden” навли олма боғларини суғоришга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 11 декабрдаги 02/022-341-сон маълумотномаси). Натижада Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туманида “Golden” навли олма боғларини суғоришда маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш тизимининг эксплуатацион ишончлилиги кўрсаткичи $P=0,94$ бўлишига эришилган;

маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясидаги “Golden” навли олма боғларини суғориш тартибларининг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқилган ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тассаруфидаги Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туманида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги “VUZ AGRO” МЧЖнинг боғ майдонларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 11 декабрдаги 02/022-341-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида “Golden” навли олма боғларини суғориш асосида етиштирилганда ҳар гектар майдонда назоратга нисбатан 45% сув тежалиши, 38% ҳосил ошиши ва 33543500 сўм даромад олиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 3 та республика илмий - амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида Ўзбекистон ва жаҳонда ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предметлари ифодаланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Суғориладиган майдонларда сув ресурсларидан тежамли фойдаланишга оид илмий тадқиқот ишлари”** деб номланган биринчи бобида хориж ва республикамызда сув ресурсларидан тежамли фойдаланишда томчилатиб суғоришга оид олиб борилган илмий тадқиқот ишлари, экинларни суғоришнинг ресурс-тежамкор техника ва технологиялари, суғориш усуллари ва суғориш техникасини қўллаш шартлари, томчилатиб суғориш тизимининг элементлари ва конструктив параметрлари таҳлил этилган.

Томчилатиб суғориш тизимларини турли хил экинларни суғоришда қўллашда уларнинг афзалликлари бўйича S.Blass, H.Kibbuts, P.Richard, J.White, F.Karam, C.R.Camp, E.J.Sadler, W.J.Busscher (АҚШ), Chartzaulariz, N.Michelakis (Польша), Y.White, U.Or, Reinders (Исроил), В.Сторчоус, М.Моисеев, В.Фидосеев, А.Овчинников, М.Григорев, М.Ромашенко, В.Бочарников (Россия), Л.Кирейчева, К.К.Мусабеков, П.Н.Есенгельдиева (Қозғистон), Ш.И.Иброхимов, Г.А.Безбородов, Б.С.Комилов, Б.Маллаев, Б.Қамбаров, А.Новиков, О.Муродов, М.Саримсоқов, Е.Аразян (Ўзбекистон) ва бошқа олимлар турли хил экинларни суғоришда томчилатиб суғориш тизимини қўллаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Ҳозирги вақтда суғориш усули ва суғориш техникасини танлашда ҳудуднинг иқлим, тупроқ, геоморфологик, гидрологик, биологик, хўжалик, сув хўжалиги, иқтисодий, экин тури ва бошқа омилларни ҳисобга олиш зарур бўлмоқда. Томчилатиб суғориш тизимининг конструктив параметрлари томизгичлар турлари бўйича фарқланади. Суғорма деҳқончиликда сув-ресурс тежамкор томчилатиб суғориш тизимининг сув чиқариш тешиклари сувни тозалашга бўлган талабни камайтириш имкониятига эга бўлган диаметрға эга бўлиши ва суғориш қувурларининг катта нишаблик бўлган жойлашувида ҳам барқарор ишлашини таъминлаш керак.

Томчилатиб суғоришнинг технологияси Исроилда Симча Бласс ва унинг ўғли Ешяху томонидан ихтиро қилинган. Биринчи томчилатиб суғориш тизими S.Blass ва H.Kibbutsлар (АҚШ) биргаликда Netfim ирригацион компаниясини ташкил этиб, улар биргаликда томчилатиб суғориш тизими учун дастлабки дозаторни яратишган. Томчилатиб суғориш тизими 1960 йиллар охирларида Австралия, Шимолий ва Жанубий Америкада кенг тарқалган.

Францияда томчилатиб суғориш ишлари T-TAPE TSX тизими бўйича олиб борилган бўлиб у машҳур тизим ҳисобланади, миллионлаб T-TAPE бобиналари бутун дунё бўйлаб далаларда, боғларда, узумзорларда, кўчатхона ва иссиқхоналарда қўлланилган.

Юқоридаги бажарилган илмий тадқиқот ишлари натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, томчилатиб суғориш усулини қўллаган ҳолда ўтказилган тадқиқотларнинг кўп қисми турли сабзавот, полиз, маккажўхори, ғўза экинларида томчилатиб суғоришдан фойдаланишнинг дифференцияланган усулини қўллашнинг самарали эканлигини исботланган. Бизнинг минтақада олма боғларида ўтказилган илмий тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаганлиги аниқланди, ҳамда томчилатиб суғориш тизимининг замонавий ривожланишининг таҳлиллари шуни кўрсатдики, сув олиш баландликларнинг фарқи анча катта бўлган ва бинобарин, қувурлар узунлиги бўйича сув босимининг бир текисда бўлмаслиги ҳам катта тафовутга эга бўлмоқда. Суғориш майдонларининг нотекис рельефли ҳамда суғориш майдонларининг узунликлари бўйича бир хил меъёрга босимни таъминлаб бериш ва кам харажат талаб қиладиган табиий оқим энергиясидан фойдаланиш борасида изланишлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертациянинг **“Тошкент вилоятининг табиий-хўжалик, тупроқ-мелиоратив шароитлари ва ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туманининг табиий-хўжалик, геологик-гидрогеологик, тупроқ-мелиоратив шароитлари ва ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Ўрта Чирчиқ тумани тупроқ қатламининг асосини суғориладиган типик ўтлоқи бўз тупроқлар ташкил этиб, механик таркиби бўйича ўрта ва енгил кумоқ тупроқлар тоифасига киради. Бизнинг тажриба участкамизда яъни ТИҚХММИнинг ўқув-илмий базасининг тупроғи механик таркиби бўйича ўрта кумоқ тупроқли бўлиб, ўтлоқи бўз тупроқлар турига мансубдир. Тупроқ қатлам қалинлиги ўртача 0,80 метрни ташкил этиб, пастроқда кум билан шағал қатлами учрайди. Чуқурлиги 1 метргача бўлган тупроқ қатлами таркибида гил зарраларининг миқдори 28,9 дан то 44,3% гача, кумники эса 45,6 дан то 71,7% гача ўзгариб, ҳажмий оғирлиги 1,30 -1,45 г/см³ ни ва солиштирма оғирлиги 2,31-2,44 г/см³ ни ташкил этади. Тажриба даласининг майдонлари хусусиятлари қуйидагича: хлор-ион таркиби қуруқ қолдиқ миқдори 0,05-0,09% бўлганда 0,003% ни ташкил этади. Профили бўйича юқори карбонатли, гипс йўқ. Шудгорланган қатламда гумус 1,28-1,72% ва тупроқ таркибининг 50,9-51,8% ўртача ғоваклик билан характерланади.

Тадқиқотлар натижасида тупроқларнинг механик таркиби келтирилган (1-жадвал). Юқори (шудгорланадиган) қатлам тупроқларнинг унумли майда заррали фракцияларига бой эмас. Тупроқларнинг лойсимон зарралари 0,01 дан кичик тупроқ массасининг 35,93 дан 37,16% гача бўлган миқдорини ташкил этиб, жойларда бу фракциялар таркиби 38,37% гача етади, чуқурроқ ерларда 41,31% гача боради.

Тажриба даласи тупроқларининг механик таркиби

Тупроқ қатлами, см	Фракциялар ўлчами (мм) ва уларнинг таркиби %						Физик лой<0,01 %	Механик таркиби бўйича таснифи
	1,0-0,25	0,25-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001	<0,01 %		
0-20	0,77	36,75	25,32	8,02	12,42	16,72	37,16	ўрта кумоқ
20-40	0,83	33,14	29,26	6,18	15,14	15,45	36,77	ўрта кумоқ
40-60	0,95	27,54	35,58	7,56	15,78	12,59	35,93	ўрта кумоқ
60-80	0,39	26,92	34,32	7,54	15,44	15,39	38,37	ўрта кумоқ
80-100	0,31	29,17	32,90	8,96	13,72	14,94	37,62	ўрта кумоқ
100-160	0,30	30,89	27,50	10,22	14,88	16,21	41,31	ўрта кумоқ

Ўрганилаётган тупроқларнинг сув-физик хоссалари таҳлили кўрсатдики, шудгорланган қатлам юмшоқ тузилишга эга, қаттиқ зарралар зичлиги (ҳажм массаси) кенг чегараларда ўзгариб турди ва 0-100 см қатлам учун 1,36-1,45 т/м³ни ташкил этди. Тупроқнинг ғоваклиги ҳажм массаси қийматига тескари боғлиқ ҳолатда бўлди. Тупроқнинг вертикал профил бўйича умумий ғоваклиги кенг чегараларда ўзгарди, бунда унинг максимал қиймати шудгорладиган қатламда 50,9-51,8 % бўлиб, 80-100 см чуқурликда 48,5 % гача камайди. Энг кам нам сифими тупроқнинг механик таркибига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, 16-21% оралиғида ўзгарди. Юқори, шудгорладиган қатламда (0-40 см) гумус таркиби 1,28–1,72 % ни ташкил этди. Бу қатламдан чуқурроқда (40-60 см) гумус таркиби 0,308 % гача кескин камаяди. 100 г тупроқда 21,0–26,4 мг калийнинг ҳаракатчан шакллари мавжуд. Қатламлар бўйича карбонатлар таркиби CO₂ 5,31–6,47% оралиғида ўзгарди. Дала тадқиқотлари учун танланган тажриба майдонининг Тошкент вилоятининг иқлим, тупроқ ва гидрогеологик шароитларига репрезентативлиги В.В.Шабанов ва Е.П.Рудаченко услубида ҳисоблаш натижаларига биноан репрезентативлик 77,1% ни ташкил этди. Сувдан тежамли фойдаланишни таъминлаш учун экинларга вегетация даврида сувдан фойдаланиш режасини ишлаб чиқиб, ўз вақтида сув билан таъминлаш зарур. Шу жиҳатдан, вилоятда боғларни маҳаллий, арзон ва содда, кам харажат талаб қиладиган паст босимли томчилатиб суғориш технологияларини қўллаш орқали суғориш сувларини тежаш ва боғлардан юқори ҳосил олиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг **“Маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида олма дарахтининг суғориш тартиби”** деб номланган учинчи бобида тажриба даласида **“Golden”** навли олма боғини маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясидаги мақбул суғориш тартиби 2015-2017 йиллар давомида Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани ТИҚХММИнинг ўқув-илмий базасининг ўтлоқи бўз, механик таркиби бўйича ўрта кумоқ тупроқлари шароитида дала тажрибалари келтирилган. Тажриба участкаси 1

га. У тўғри бурчакли 34х300 метрли бўлиб, ПТ-3 кувурли, С-1,3 сув чиқаргич ва дала йўлларига эгат қаторларнинг ҳар бир вариант ва қатор оралиқларида масофа 5 метр, олма кўчат орасидаги масофа 4 метрни ташкил этади.


Дала тадқиқот ишлари ИСМИТИ, ТИҚХММИ, ПСУЕАИТИларнинг услублари асосида паст босимли томчилатиб суғориш тизимининг техника ва технологияларини такомиллаштириш асосида “Golden” навли олмани суғориш тартибини ўрганиш бўйича дала тадқиқотлари олиб борилди.

2-жадвал

Тажриба тизими

Вариантлар	Суғориш технологиялари	Суғориш техникаси элементлари	Тупроқнинг суғориш олди намлиги, ЧДНС га нисбатан, %
1	эгатлаб суғориш, назорат	эгат узунлиги 200 м	фактик кузатувлар
2	махаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида суғориш	суғориш кувури узунлиги 200 м	70-70-60
3			70-80-70
4		суғориш кувури узунлиги 250 м	70-70-60
5			70-80-70
6		суғориш кувури узунлиги 300 м	70-70-60
7			70-80-70

Тажриба майдонида илмий тадқиқотлар ўтказиш даврида иқлим шароитлари кўп йиллик кўрсаткичлардан фарқ қилди: ҳаво ҳарорати 18,6°С, ҳаво намлиги 44%, жами ёғинлар миқдори 50 мм, сув устидан йиллик буғланишлар 1208 мм, шу жумладан, вегетация даври мобайнида буғланиш 992 мм ни ташкил этди. 2015-2017 йилларда бу кўрсаткичлар қуйидагича бўлди: мувофиқ равишда ҳаво ҳарорати 12,63 ва 11,85°С; ҳаво намлиги 59,91%, 58,5% ва 54,83%; 121,2%; ёғинлар миқдори 145,2; 78,4 мм. Белгиланган ўзгаришлар суғоришлар муддати ва суғориш меъёрларининг катталигига таъсир кўрсатди.




1-расм. Тажриба даласида паст босимли томчилатиб суғориш тизимининг жойлашиш схемаси

Тажриба даласи тупроқларининг механик таркибининг таҳлил натижалари асосида сув ўтказувчанлиги аниқланди. Тупроқни сув ўтказувчанлиги муҳим физик хусусиятларидан бири бўлиб, у асосан тупроқнинг механик таркибига, чиринди миқдори, далани нишаблиги ва бошқа факторларга боғлиқдир. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги иккита давр: инфильтрация ва фильтрация даври бўйича баҳоланди. Инфильтрация А.Н.Костяков формуласи бўйича аниқланди:

$$K_1 = K_\phi \cdot t^\alpha, \text{ м/с} \quad (1)$$


$$\alpha = \frac{\lg K_t - \lg K_\phi}{\lg t - \lg t_\phi}; \quad K_o = \frac{K_1}{1 - \alpha} \quad K_{cp} = \frac{K_o}{t^\alpha} \quad (2)$$



2-расм. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, м/соат.

Тажриба майдонининг ўрта қумоқли тупроғида вегетация даври бошланишида биринчи соат сўнггида сувнинг сингиш тезлиги 0,089 м/соат, тўртинчи соатнинг сўнггида 0,05 м/соат ни, фильтрация коэффиценти 0,017 ва 0,014 м/соат ни ташкил этди.


Маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш тизимининг конструктив элементлари суғориш тизими учун керакли босимни олиш учун, темир-бетон нов ва ҳар хил (металл, бетон, ғишт ва бошқа) материаллардан ясалган сув қабул қилувчи идишлар, суғориладиган ер сатҳидан 2 м баландликка ўрнатилди. Нов ва бошқа сув қабул қилувчиларга 50-75 мм диаметрли сув олувчи пластмасса қувурлар уланди. Сув олувчи қувур дала бошидаги тақсимловчи қувурга уланди. Тақсимловчи қувурнинг эгатлар тўғрисидаги қисмида тирқишлар очилди, тирқишларга уловчи қувурлар ёрдамида томчилатгичли полиэтилен қувурлар уланди.



3-расм. Паст босимли томчилатиб суғориш тизимининг схемаси:

1-сув сатҳини барқарор ушловчи идиш; 2-сув олувчи пластмасса қувур; 3-тақсимловчи қувур; 4-томчилатгичли полиэтилен қувур; 5-минерал ва органик ўғитлар идиши; 6-кранлар.

Шаффоф бўлмаган эластик пластикатдан тайёрланган томчилатиб суғориш қувури, магистрал қувур ва у билан бир бутун қилиб тайёрланган кичик ўлчамли қувурчадан иборат. Томчилатгичли полиэтилен қувурнинг диаметри 25 мм га тенг бўлса, магистрал қувурдан сув қабул қилувчи овал шаклидаги қувурчанинг баландлиги 3÷5 мм ни, эни 6÷8 мм ни ташкил қилади. Овал шаклидаги қувурча магистрал қувурдан очилган тирқиш орқали сув олади. Олинган сув, қувурчадаги қаршиликлар орқали ўтиб, ҳар 20 см да очилган тирқишлар-томчилатгичлар орқали томчини ўсимлик тагига узатади.



1-кўчатда томизгичлар сони 2 дона.

2-шланкаларнинг калинлиги 0,1 мм.

3-томизгичнинг сув сарфи 3-3,7 л/соат.

4-тизимда ишчи босим 0,5-3 м.

5-муаллақ оқизикларнинг рухсат этилган миқдори 5 г/л.

6-оқизикларнинг рухсат этилган йириклиги 1-2микрон.

7-фойдаланиш шартлари – даланинг нишаблик кўрсаткичлари $0,003 < i < 0,03$.

4-расм Томизгичнинг конструктив схемаси

“Golden” навли олма боғларини суғоришда маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш тизимининг эксплуатацион ишончлилиги тизимнинг эксплуатацион сифатларини баҳолаш услуби асосида аниқладик. Тизимнинг ишончлилиги звенолар сонининг ортиши билан камаяди. Тизимнинг тугунли схемасида ишонччилик юқори бўлади.

Тизимнинг ишончлилиги захира звенолар қўшилганда ортади

$$P_c = 1 - (1 - P_i)^{m/n} \quad (3)$$

бу ерда: n -звенолар сони; $(m-1)$ - захира қисмлар сони;

P_i -битта звенонинг ишончлилиги;

Белгиланган вақт мобайнида тизимнинг бузилмай ишлаши эҳтимоли

М.Ф.Натальчук формуласи бўйича аниқланди $P = e^{-\lambda t}$

бу ерда: P -ишонччилик (эҳтимоли), бирлик улушларида;

e - сони 2,71; λ -бузилишлар жадаллиги; t -тизим иши давомийлиги.

Бузилишга қадар ортиқча ишлаш – бу бузилмай ишлашнинг ўртача давомийлиги, $T = \frac{1}{\lambda}$, Бузилишлар жадаллиги - вақт бирлигидаги бузилишларнинг ўртача сони, $T = \frac{1}{\lambda}$,

Тизим ишончлилиги тизим звенолари ишончлилиги бўйича проф.М.Ф.Натальчук формуласи асосида топилди

$$P_c = P_1 P_2 P_3 \dots P_n^i \quad (4)$$

$$P_c = P_1 \cdot P_2 \cdot P_3 \cdot P_4 \cdot P_5 \cdot P_6 \cdot P_7 = 0,99 \cdot 0,99 \cdot 1,0 \cdot 0,99 \cdot 0,99 \cdot 0,99 \cdot 0,99 = 0,94 \quad (5)$$

Олма дарахтини суғориш тартиби. Олма боғининг суғориш меъёрларини ҳисоби. Бир хилдаги суғориш тартибини белгилаб берувчи чекланган ер майдони, тупроқ ва гидрогеологик шароитларда сизот сувлари сатҳи ер юзасидан 3 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, тупроғи эса механик таркибига ўрта қумоқ тупроқ бўлганлигидан келиб чиққан ҳолда III гидромодуль район қабул қилинган.

Тошкент вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида олиб борилган тажрибамизда олма боғларини суғоришда маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш усулидан фойдаланилди ҳамда ушбу усулни мева ҳосилдорлиги ҳамда суғориш сувлари сарфига таъсири ўрганилди.

3-жадвал.

Олмани паст босимли томчилатиб суғоришнинг мавсумий суғориш меъёрлари, м³/га (ўртача 3 йиллик)

Вариантлар	Суғориш технологиялари	Суғориш техникаси элементлари	Тупроқнинг суғориш олди намлиги, ЧДНС га нисбатан, %	Суғориш меъёри, м ³ /га	Суғоришлар орасидаги муддат, кун	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га
1	эгатлаб суғориш, назорат	эгат узунлиги 200 м	фактик кузатувлар	900-994	26-31	3964
2	маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида суғориш	суғориш қувири узунлиги 200 м	70-70-60%	179-204	10-11	2060
3			70-80-70%	179-210	11-13	2170
4		суғориш қувири узунлиги 250 м	70-70-60%	202-229	11-12	2350
5			70-80-70%	210-245	11-13	2460
6		суғориш қувири узунлиги 300 м	70-70-60%	232-260	10-12	2640
7			70-80-70%	250-280	11-13	2840

Тажрибанинг маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида суғорилган барча вариантларда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% ҳамда 70-80-70% тартибда амалга оширилди. Эгатлаб суғорилган назорат вариантыда бу кўрсаткич фактик кузатувлар орқали аниқланди.


Тажрибанинг олма боғи эгатлаб суғорилган назорат вариантыда суғоришлар 1-2-1 схемада 4 маротабани ташкил этиб, суғориш меъёрлари 900-994 м³/га ва мавсумий суғориш меъёрлари 3964 м³/га га тенг бўлди.

Тажрибанинг суғориш қузури узунлиги 200 м бўлган маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % бўлган 2-вариантда суғоришлар 1-7-3 схемада 11 маротабани ташкил этиб, суғориш меъёрлари 179-204 м³/га ва мавсумий суғориш меъёрлари 2060 м³/га га тенг бўлди. Маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида, суғориш қузури узунлиги 200 м, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70 фоиз бўлган 3-вариантда суғоришлар 1-8-2 схемада 11 маротабани ташкил этиб, суғориш меъёрлари 179-210 м³/га ва мавсумий суғориш меъёрлари 2170 м³/га га тенг бўлди. Бу назоратга нисбатан 1794 м³/га ёки 45% га камдир.

Маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида, суғориш қузури узунлиги 250 м, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % бўлган 4-вариантда суғоришлар 1-7-3 схемада 11 маротабани ташкил этиб, суғориш меъёрлари 202-229 м³/га ва мавсумий суғориш меъёрлари 2350 м³/га га тенг бўлди. Тажрибанинг суғориш қузури узунлиги 250 м бўлган маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70 % бўлган 5-вариантда суғоришлар 1-8-2 схемада 11 маротабани ташкил этиб, суғориш меъёрлари 210-245 м³/га ва мавсумий суғориш меъёрлари 2460 м³/га га тенг бўлди. Бу назоратга нисбатан 1504 м³/га ёки 38 % га камдир.

Маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида, суғориш қузури узунлиги 300 м, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % бўлган 6-вариантда суғоришлар 1-7-3 схемада 11 маротабани ташкил этиб, суғориш меъёрлари 232-260 м³/га ва мавсумий суғориш меъёрлари 2640 м³/га га тенг бўлди. Тажрибанинг суғориш қузури узунлиги 300 м бўлган маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70 % бўлган 7-вариантда суғоришлар 1-8-2 схемада 11 маротабани ташкил этиб, суғориш меъёрлари 250-280 м³/га ва мавсумий суғориш меъёрлари 2840 м³/га га тенг бўлди. Бу назоратга нисбатан 1124 м³/га ёки 28 фоизга камдир.

Олма дарахтининг ҳосилдорлигига суғориш технологияси ва тартибининг таъсири. Суғориш технологияси, техникаси элементлари ва суғориш тартиблари олма боғининг мева ҳосилдорлигига ўз таъсирини кўрсатди. Қуйидаги диаграммада тажриба даласида йиллар бўйича олинган олма ҳосилдорлиги маълумотлари келтирилган.



5- расм. Тажриба даласида олма ҳосилдорлиги, т/га, ўртача 3 йиллик

Тажрибанинг назорат, яъни эгатлаб суғорилганда мева ҳосилдорлиги гектарига ўртача 3 йилда 12,3 тоннани ташкил этган бўлса, маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш тизимининг 200 м суғориш қувурларидан фойдаланилган вариантда бу кўрсаткич 3 йилда ўртача 19,8 тоннага тенг бўлди. Суғориш қувурлари 250 ва 300 метр қабул қилинган 3 ва 4 вариантларда бу кўрсаткичлар мос равишда 16,6 ҳамда 16,2 т/га ни ташкил этди.

4-жадвал.

Суғориш технологиялари ва тартибларининг олма ҳосилдорлигига таъсири (ўртача 3 йиллик)

Вариантлар	Суғориш технологиялари	Суғориш техникаси элементлари	Тупроқнинг суғориш олди намлиги, ЧДНС га нисбатан, %	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	Иқтисод қилинган сув, м ³ /га	Ялпи ҳосилдорлик, т/га	Фарқи,
							±
1	эгатлаб суғориш, назорат	эгат узунлиги 200 м	Ананавий суғориш	3964	-	12,3	-
2	маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида суғориш	суғориш қувури узунлиги 200 м	70-70-60%	2060	1904	18,9	+6,6
3			70-80-70%	2170	1794	19,8	+7,5
4		суғориш қувури узунлиги 250 м	70-70-60%	2350	1614	15,6	+3,3
5			70-80-70%	2460	1504	16,6	+4,3
6		суғориш қувури узунлиги 300 м	70-70-60%	2640	1324	13,1	+0,8
7			70-80-70%	2840	1124	16,2	+3,9

Мазкур далада назорат варианты, яъни эгатлаб суғорилган вариантда суғоришлар сони 4 марта, мавсумий сув сарфи 3964 м³/га ни, ўртача уч йилда ялпи ҳосилдорлик 12,3 т/га ни ташкил этди. Тажриба даласида энг юқори ҳосилдорлик (19,8 т/га) 2170 м³/га меъёردа маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш тизимининг қувурлари узунлиги 200 м, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70% тартибда суғорилган вариантда олинди. Бу кўрсаткич назорат вариантыга нисбатан 7,5 т/га юқори бўлганлиги аниқланди.

Ушбу вариантда мавсумий сув меъёри гектарига 2170 м³ ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 1794 м³ ёки 45% сувни тежашга эришилди.

Тажрибанинг айнан юқори (ЧДНС га нисбатан 70-80-70%) тартибда суғорилган, суғориш қувири 250 ва 300 метр қабул қилинган 3 ҳамда 4- вариантларида олма ҳосилдорлиги мос равишда 16,6 ва 16,2 т/га ни ташкил этиб, мавсумий сув меъёрлари мутаносиб равишда 2460 ҳамда 2840 м³/га га тенг бўлди.

Ушбу тажриба даласида уч хил суғориш техникаси элементлари, маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш тизимининг икки хил суғориш тартибида суғориш қувурлари узунлигининг сув сарфи ва мева ҳосилдорлигига таъсири ўрганилганда, энг яхши натижаларга маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш усулида суғориш қувурлари узунлигини 200 метр, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70% қилиб қабул қилинган вариантда эришилди. Суғориш қувурлари узунлигини 250 ва 300 метр қилиб қабул қилинганда қувурларда босимнинг йўқолиши ва сув сарфининг ортиши кузатилиб, бу ўз навбатида мева ҳосилдорлигини камайишига сабаб бўлди.

Диссертациянинг “**Маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясининг иқтисодий самарадорлиги**” деб номланган тўртинчи бобида тажриба даласидаги меваларнинг ҳосилдорлиги ва иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

Маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясидаги “Golden” навли олма боғларини суғориш тартибининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда тажриба йилларидаги олманинг ўртача нархи, олмани парваришlashга кетган барча харажатлар, жумладан маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатиш ва қўшимча олма ҳосилини териш харажатлари инобатга олинди

5-жадвал

Олма дарахтини паст босимли томчилатиб суғоришда иқтисодий самарадорлиги

Вариантлар	Ўртача уч йилликда ялпи ҳосилдорлик, т/га	Қўшимча ҳосил, т/га	Ялпи даромад, сўм/га	Жами харажатлар, сўм/га	Жумладан, қўшимча ҳосилни йиғиб олиш харажатлари, сўм/га	Соф даромад, сўм/га	Рентабеллик, %
1	12,3	-	68265000	60959000	0	7306000	10,7
2	18,9	6,6	104895000	73300000	363000	31595000	30,1
3	19,8	7,5	109890000	76346500	412500	33543500	30,5
4	15,6	3,3	86580000	62129500	181500	24450500	28,2
5	16,6	4,3	92130000	65514500	236500	26615500	28,9
6	13,1	0,8	72705000	63667000	44000	9038000	12,4
7	16,2	3,9	89910000	64160500	214500	25749500	28,6

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотларига кўра энг яхши самарадорликка(соф даромад 33543500 сўм/га ва рентабеллик – 30,5%) тажрибанинг 3-вариантида, яъни олма боғини маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70-80-70% да ушлаб туриш, бунда 1-8-2 суғориш схемасида 179-210 м³/га суғориш ва 2170 м³/га мавсумий суғориш меъёрлари билан суғорилганда эришилди.

Маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясини бошқа, Исроил ва Туркия давлатлари томчилатиб суғориш технологияларининг иқтисодий кўрсаткичлари билан солиштириб, унинг 30 фоизга арзонлиги ва барча бутловчи қисмлар маҳаллий хом ашёлардан республикада тайёрланиши билан самарадорлиги юқори эканлиги аниқланди

6-жадвал

Турли томчилатиб суғориш технологияларининг иқтисодий самарадорликлари

№	Кўрсаткичлар	Томчилатиб суғориш тизимлари		
		ТИҚХММИ Ўзбекистон	Квин-Гриль Исроил	Sunstream Турция
1	Зарурий сув устуни босими, м	1-3	20-25	20-25
2	Насосга зарурият	йўқ	бор	бор
3	Сувни тозалашга зарурият	йўқ	бор	бор
4	Ёқилғи сарфи ва техника хизмати иқтисоди, %	50-50	50-55	50-55
5	Минерал ўғитларни тежалиши, %	35-40	35-40	35-40
6	Сув тежалиши ва суғориш тадбирлари, %	40-60	40-60	40-60
7	Хосилдорлигининг ошиши, %	30-50	30-50	30-50
8	Капитал харажатлар гектарига минг сўм	14000	19500	19000

ХУЛОСА

“Боғларда паст босимли томчилатиб суғориш технологиясини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тобора ошиб бораётган сув танқислиги шароитида Республиканинг ўтлоқи бўз, механик таркибига кўра ўрта кумоқ тупроқлар ва сизот сувлари сатхи 3,0 метрдан паст бўлган ҳудудларида олма боғларини томчилатиб суғориш ва ундаги суғориш тартиблари ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарилаётган томчилатиб суғориш тизими элементларини жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишлари етарлича ўрганилмаганлиги аниқланди.

2. Тажриба майдонининг тупроқлари ўтлоқи бўз тупроқлар бўлиб, шудгорланадиган қатламда гумус миқдори 1,28-1,72 %, тупроқ ғоваклиги 50,9-51,8%, хажмий оғирлиги 1,36-1,45 т/м³ ни, сув ўтказувчанлиги: вегетация бошида биринчи соат сўнггида сувнинг сингиш тезлиги 0,089 м/соат, тўртинчи соатнинг сўнггида 0,05 м/соат ни, фильтрация коэффициенти 0,014 м/соат ни ташкил этди. Дала тадқиқотлари учун танланган тажриба майдонининг Тошкент вилоятининг иқлим, тупроқ ва гидрогеологик шароитлари репрезентативлиги В.В.Шабанов ва Е.П.Рудаченко услубида ҳисоблаш натижаларига биноан 77,1 % ни ташкил этди. Тадқиқотлар натижасида ҳудуднинг табиий-ҳўжалик, геологик-гидрогеологик, тупроқ-мелиоратив шароитлари ўрганилиб томчилатиб суғориш технологиясини кенг майдонларда қўллаш имконияти яратилди.

3. Томчилатиб суғориш тизимининг конструкциялари соддалаштирилган, босимни камайтириш учун штампланган капиляр қувурли томизгичлардан фойдаланилган, маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш тизимининг ишончлилиги тизим звенолари ишончлилиги ҳосиласига тенг бўлиб, проф.М.Ф.Натальчук формуласига биноан $P_c = 0,94$ га тенг бўлди. Тадқиқотлар натижасида маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш тизимини такомиллаштириш имконияти яратилди.

4. Маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясининг қуйидаги оптимал техник-конструктив элементлари ва параметрлари аниқланди: 1 олма кўчатида томизгичлар сони 2 дона; қувурлар деворининг қалинлиги 0,1 мм; томизгичнинг сув сарфи 3-3,7 л/соат; тизимда ишчи босим 0,5-3,0 м; муаллақ оқизикларнинг рухсат этилган миқдори 5 г/л ва оқизикларнинг рухсат этилган йириклиги 1-2 микрон. Тадқиқотлар натижасида оптимал техник-конструктив параметрлари асосида маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясини ишлаб чиқиш имконияти яратилди.

5. Маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида суғориш қузури узунлиги 200 м, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70 % бўлганда, суғоришлар 1-8-2 схемада 11 маротабани ташкил этиб, суғориш меъёрлари 179-210 м³/га ва мавсумий суғориш меъёрлари 2170 м³/га га тенг бўлиб, назоратга нисбатан 1794 м³/га га кам ёки 45 % сув ресурсларини иқтисод қилиш имконияти яратилди.

6. Маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида суғориш қузури узунлиги 200 м, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70 % бўлганда “Golden” навли олма боғининг энг юқори ҳосилдорлиги 19,8 т/га га эришилди ва бу эгатлаб суғорилган назорат вариантыга нисбатан 7,5 т/га га ёки 38% га юқори бўлишлиги таъминланди.

7. Маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида суғориш қузури узунлиги 200 м, суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70-80-70% да ушлаб турилганда, бунда 1-8-2 суғориш схемасида 179-210 м³/га суғориш ва 2170 м³/га мавсумий суғориш меъёрлари билан суғорилганда 33543500 сўм/га- энг кўп соф даромад олиш имконияти яратилди.

8. Маҳаллий паст босимли (ТИҚХММИ) томчилатиб суғориш технологияси Исроил ва Туркия давлатлари томчилатиб суғориш технологияларига нисбатан 30% га арзонлиги ва барча бутловчи қисмлар маҳаллий хом ашёлардан республикамизда тайёрланиши билан иқтисодий самарадорлиги юқори бўлишига имконият яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

ГУЛОМОВ САРДОР БОХОДИРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НИЗКОНАПОРНОЙ
ТЕХНОЛОГИИ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ САДОВ
(НА ПРИМЕРЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ)**

06.01.02- Мелиорация и орошаемое земледелие

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.1.PhD/T1036.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiame.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Шеров Анвар Гуломович
доктор технических наук, доцент

Рецензенты:

Рахимов Шавкат Хударгенович
доктор технических наук, профессор

Бегматов Илхом Абдураимович
кандидат технических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2020 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, Ташкент, Кары-Ниязий, 39. тел.: (99871) 237-19-61; 237-22-09, факс: (99871) 237-54-79; e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано № ____). Адрес: 100000, Ташкент, Кары-Ниязий, 39. тел (99871) 237-19-45.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2020 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2020 года).

Т.З.Султанов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.

А.А.Янгиев
Учёный секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

М.Х.Хамидов
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.с/х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время из года в год увеличивается дефицит водных ресурсов в результате глобального изменения климата. Использование ресурсосберегающих технологий при выращивании сельскохозяйственных культур на орошаемых землях и вопрос усовершенствования методов их расчетов является одной из важных задач. В этой связи, рациональное использование воды и обеспечение повышения урожайности культур являются актуальными в мире. В связи с этим в Израиле, США, Франции, Китае, Турции, России, Индии и в других развитых странах мира научно исследовательским работам по созданию техники и технологии, по упрощению конструкции капельной оросительной системы уделяется особое внимание.

Дефицит водных ресурсов в мире в определенной степени влияет на урожайность и на качество сельскохозяйственной продукции. Поэтому, особое внимание обращено на разработку интенсивных методов сельхозпроизводства и самое главное на смягчение отрицательного влияния водного дефицита. В этом направлении, в частности важными задачами являются экономное использование водных ресурсов, внедрение современных технологии способов полива, в то же время обеспечение населения продуктами питания, экономии воды, улучшения мелиоративного состояния земель, повышения урожайности сельхозкультур.

В настоящее время в Республике в целях экономного использования воды при выращивании сельскохозяйственных культур широко внедряются технологии капельного орошения, орошения с покрытием борозд черной плёнкой и орошение с помощью передвижных гибких трубопроводов вместо временных оросителей и выводных борозд. Одним из важных задач в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. указано “...применение интенсивных способов в отраслях сельскохозяйственного производства, прежде всего прогрессивных агротехнологий, обеспечивающих экономию водных ресурсов...”¹. В этой связи, приобретают важное значение научные исследования по эффективному использованию оросительной воды и улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель.

